

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САМИГОВА ХУШНУДА БОТИРОВА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК НУТҚ МАДАНИЯТИ РИТОРИК АСПЕКТИНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

**Филология фанлари бўйича докторлик диссертацияси (DSc)
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по
филологическим наукам**

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc) on philological science

Самигова Хушнуда Ботировна

Инглиз ва ўзбек нутқ маданияти риторик аспектининг
чоғиштирма тадқиқи 3

Самигова Хушнуда Ботировна

Сопоставительное исследование риторического аспекта
в английской и узбекской культуре речи..... 31

Samigova Khushnuda Botirovna

Comparative research of rhetoric aspect in the English
and Uzbek speech culture..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 63

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САМИГОВА ХУШНУДА БОТИРОВА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК НУТҚ МАДАНИЯТИ РИТОРИК АСПЕКТИНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil.45 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Боқиева Гуландом Ҳисамовна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Дадабоев Ҳамидулла Арипович филология фанлари доктори, профессор Хошимов Ғанижон Мирзааҳмедович филология фанлари доктори, профессор Луиз Силвестр филология фанлари доктори, профессор (Вестминистер университети, Лондон)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашининг «_____» 20__ йил соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 5-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

Қ.Ш. Омонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
филол.ф.д., доцент

А.С. Лиходзиевский

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида нутқ маданияти даврлар ўтса ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган мавзулардан бири ҳисобланади. Ҳозирда умумжаҳон миқёсида турли тилларни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши, халқаро алоқаларнинг ўрнатилиши нутқ маданиятига бўлган эътиборнинг кучайишига ва кишилар нутқ маданиятини ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ривожлантиришга бўлган талабни юзага келтирди. Бугунги кунда такомиллашиб бораётган тил ва маданият, тил ҳамда жамият билан боғлиқ бўлган соҳалардаги илмий изланишлар ҳам айнан нутқ маданиятининг турли аспектларини бир-бирига қардош бўлган ва бўлмаган тиллар доирасида кенг қиррали таҳлил қилинишини тақозо этмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда турли тилларда мустақил ҳамда теран фикрлаш қобилиятига эга бўлган, ўз фикрини аниқ ва равшан ифода эта оладиган баркамол авлодни тарбиялашга бўлган диққат-эътибор янада кучайди. Ҳозирги кунда юқори билим, маданият ва маънавиятга эга кадрларнинг янги авлодини тайёрлашнинг ечимини топишда самарали натижаларга эришилди. Ёшларимизда нутқ маданиятининг юксаклиги, сўзамоллик, жамоатчилик олдида нутқ сўзлай олиш каби хислатларни янада шакллантириш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар нутқ маданияти аспектларини турли тиллар доирасида чоғиштирма таҳлилини амалга ошириш лозимлигини кўрсатмоқда. Республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг олиб борилиши, жумладан, «...рухий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарига эга бўлган ёшларни тарбиялаш»¹га қаратилган стратегик вазифалар ҳам нутқ маданияти мавзуси доирасида чуқур изланишлар олиб борилишини талаб қилмоқда.

Дунё тилшунослигида ҳамда маънавий ва маданий йўналишда кишиларнинг бирдамликка интилиши, ўзга халқлар маданияти, тилини ўрганишга бўлган қизиқиши, ифодали ва таъсирчан нутқ сўзлай олишга бўлган иштиёқининг доимий равишда ўсиб бориши шу ўринда нутқ маданияти риторик аспектини бир-бирига қардош бўлмаган тиллар доирасида тадқиқ этишга бўлган эҳтиёжни юзага келтиради. Ҳозирги кунга қадар риторик аспект бўйича жаҳон ва ўзбек тилшунослигида кўплаб илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да, ушбу мавзу инглиз ва ўзбек диалогик нутқида яхлит тизим шаклида қиёсий аспектда ўрганилмаганлиги инглиз ва ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти риторик аспектининг гендер ва лингвокультурологик хусусиятларини, диалогик риторикада лингвистик ва экстралингвистик омилларни бир-бирига қардош бўлмаган ушбу тиллар доирасида чоғиштирма тадқиқ этилиши лозимлигини кўрсатади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. / Халқ сўзи, 2017 йил. 8 февраль. – № 28 (6722).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон қарори, 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон фармони, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисидаги 124-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Риторик аспектни ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Massachusetts University, Boston College, University of Georgia, Michigan University, San Diego State University (АҚШ), Universitat Ramon Llull (Испания), The Oxford Research Centre in the Humanities / University of Oxford (Буюк Британия), Toronto University, Centre for Research in Reasoning, Argumentation and Rhetoric / University of Windsor (Канада), The International Society for the Study of Argumentation (Нидерландия, Амстердам), International Research Group on Rhetoric / University of Palermo (Аргентина), International Society for the History of Rhetoric (Буюк Британия, АҚШ, Нидерландия) ҳамда Риторика ассоциациялари (Россия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Риторикага оид жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: риторикада ёзма нутқни ривожлантириш ва мулоқот самарасини оширишда лингвистик ва стилистик воситалар хусусияти исботланган (Boston College), риторикада ваъда бериш ва парадокснинг нутқ таъсирчанлигини оширишдаги лингвистик моҳияти ёритиб берилган (Massachusetts University), сиёсий

²Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи:

<http://rhetoric.sdsu.edu/>; <http://ricercafilosofica.it/home/eikos/>; [http://ishr-web.org/aws/ISHR/pt/sp/journal/](http://ishr-web.org/aws/ISHR/pt/sp/journal;); <http://www.dissercat.com/content/sovremennaya-ritorika-v-sotsialno-politicheskom-vzaimodeistvii>; www.rhetor.ru/; www.argumentation.nl/homepage/issa/; www.orator.su; <http://filologia.su/associaciya-ritoriki/> ва бошқалар.

жараёнларда замонавий риториканинг шаклланишига бевосита таъсир қилувчи ижтимоий ҳамда лингвистик омиллар аниқланган (Новгородский государственный институт), нутқнинг барча турларида юзага келувчи баҳс ва мунозараларда фактик маълумотларни ўринли келтириш борасидаги кўникмаларни ривожлантиришнинг назарий асослари ишлаб чиқилган (University of Amsterdam, University of Palermo), турли мамлакатларда нотиклик санъатининг ривожланиш тарихига оид фактик маълумотлар далилланган (University of London), ўқитувчилар нутқини ривожлантириш бўйича ўқув ҳамда онлайн трейнинг дастурлар ишлаб чиқилган (Московский государственный университет, Институт русского языка, Московский педагогический государственный университет, Университет риторики и ораторского мастерства), диалогик риториканинг гендер ва лингвомаданий хусусиятларини ифода этувчи лисоний воситалар аниқланган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети).

Жаҳон тилшунослигида нутқ маданиятининг риторик аспекти бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тилнинг турли сатҳларида риториканинг лингвистик табиатини аниқлаш; риторик терминларга оид изоҳли ва икки тилли луғатлар яратиш; чоғиштирма аспектда сиёсий, суд, ҳарбий нутқларнинг лингвомаданий хусусиятларининг фарқли томонларини намоён қилувчи тил воситаларини далиллаш; мунозара, интервью, давра суҳбатлари чоғида юзага келувчи нутқларнинг риторик аспектда лингвистик ва экстралингвистик омилларини аниқлаш; сўзлаш ва муомала маданиятини оммавий равишда юқори даражага кўтариш чора-тадбирларини такомиллаштириш; кишиларнинг оғзаки ва ёзма нутқий фаолиятини оширишнинг янги инновацион методларини янада ривожлантириш; риториканинг нутқ турларига хос хусусиятларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда нотиклик санъати назарияси бўйича турли тилларда тадқиқот олиб борилган бўлиб, ушбу соҳага салмоқли ҳисса қўшган олимларнинг ишлари диққатга сазовордир. Масалан, А. Жудис инглиз тилида диалогик риториканинг диалектлар, яъни шеваларга оид хусусиятларини тадқиқ этишга эътибор қаратган, С.П. Фолей эса риторикада ваъда беришга оид хусусиятларни инглиз тилидаги фактик мисоллар асосида ўрганган, М.М. Хинкс инглиз тили ёзма нутқида нотиклик санъати назариясини тадқиқ этган, Л.М. Лонг, А.И. Петонлар ҳам инглиз тили риторик аспектига оид муаммолар бўйича изланишлар олиб борганлар³.

³ Judith A. The Genre of Logic and Artifice: Dialectic, Rhetoric, and English Dialogues. – Dissertation for Achieving PhD. – Toronto, Toronto university, 1998. – 280 p.; Patricia C. Foley. Paradox and Promise in the Dialogue on Race: a Case Study Analysis of the Dialogues of the Springfield World Class City Commission. – Dissertation for Achieving PhD. – Massachusetts, Massachusetts University, 1999. – 200 p.; M.M. Hincks. Successful Dialogues: Systematic, Written, and Prominent Self-analysis in College Composition. – Dissertation for Achieving PhD. – Boston, Boston College, 2005. – 170 p.; Long L.M. Associative Rhetoric: Beyond Rhetorical Sensitivity and Individual Rhetoric. – Dissertation for Achieving PhD. – Georgia, University of Georgia, 1997. – 287 p.; Paton W.A.I. Current-Traditional Rhetoric Reexamined. – Dissertation for Achieving PhD. – Michigan, Michigan University, 1990. – 267 p.

Рус тилшунослигида Н.А. Кашей, Г.М. Ярмаркина, З.И. Курцева⁴ каби тадқиқотчилар риторикага рус тили нуқтаи назаридан ёндашганлар. Украин тилшунослигида В.О. Немченко, Н.Ю. Георгиева⁵ каби олимлар риторика мавзусини методик жиҳатдан таҳлилга тортган.

Ўзбек тилшунослигида А.Ҳ. Арипова нотиклик турларини ўрганиш ва нотик нутқининг лисоний-услубий воситаларига оид масалаларни ёритишга эътибор қаратган. Д. Тешабаева нутқ маданиятининг замонавий аспектларини ОАВ матни мисолида тадқиқ этган бўлса, Ҳ. Жалилов, Ҳ. Расулов, С. Свирский, А.Е. Михневич, И.А. Кривелев, Н. Маҳмудов каби олимлар ўқитувчи ва лекторларнинг нотиклик санъати мавзуси устида иш олиб борганлар. С. Иномхўжаев Шарқ нотиклик санъатининг тарихий босқичлари борасида изланиш олиб борган. Б. Омонов эса сиёсий нотиклик маҳоратини таҳлил қилган⁶.

Риториканинг гендер, лингвомаданий хусусиятлари ҳамда ундаги лисоний ва экстралингвистик омиллар инглиз ва ўзбек диалогик нутқи мисолида ҳозиргача чет эл ва ўзбек олимлари томонидан қардош бўлмаган тиллар доирасида ўрганилмаганлиги ҳам ушбу мавзу бўйича махсус тадқиқотни амалга оширишни тақозо қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган «Лингвокультурологиянинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқ равишда олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги диалогик нутқнинг риторик аспектда миллий ва умумий жиҳатларини очиқ беришдан иборат.

⁴ Кашей Н.А. Современная риторика в социально-политическом взаимодействии: Дис. ...док. филол. наук. – Великий Новгород, НГУ, 2005. – 290 с.; Ярмаркина Г.М. Обыденная риторика: просьба, приказ, предложение, убеждение, уговоры и способы их выражения в русской разговорной речи: Дис. ...канд. филол. наук. – Саратов: СГУ имени Н.Г. Чернышевского, 2001. – 180 с.; Курцева З.И. Коммуникативно-нравственный аспект риторического образования: Автореф. дис. ...канд. пед. наук. – Москва: МПГУ, 2002. – С. 70.

⁵ Немченко В.О. Формування внутрішнього переконання судді в адміністративному процесі України: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Запоріжжя, ЗНУ, 2013. – 20 с.; Георгієва Н.Ю. Просодія переконування в англійському діалогічному мовленні: Автореф. дис. ...канд. філол. наук. – Одеса: ОНУ, 2005. – 21 с.

⁶ Арипова А.Ҳ. Нотиклик нутқининг лисоний-услубий воситалари: Филол. фан. номз. ...дис. – Тошкент: ЎЗР ФА, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 2002. – 170 б.; Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (ЎЗР ОАВ мисолида): Филол. фан. док. ...дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2012. – Б. 20-28; Жалилов Ҳ. Ижтимоий фан ўқитувчиларининг нотиклик санъати. – Монография. – Т.: Ўзбекистон, 1987. – 32 б.; Расулов Ҳ., Свирский С. Лекторнинг нотиклик санъати – Монография. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 39 б.; Кривелев И.А. Лекторнинг нотиклик санъати. – Монография. – Т.: Ўзбекистон, 1980. – 15 б.; Михневич А.Е. Лекторнинг нотиклик санъати. – Монография. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – 44 б.; Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 20-157; Иномхўжаев С. Ўтмиш шарқ нотиклиги. – Т.: Ўзбекистон, 1982. – 38 б.; Б. Омонов. Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати. – Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 91 б.

Тадқиқотнинг вазифалари. Инглиз ва ўзбек тилларига оид диалогик риторикада:

лисоний ва экстралингвистик омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг мазкур тиллардаги ўхшаш ва фарқли томонларини исботлаш;

эркак ва аёллар нутқига оид лингвистик воситаларнинг умумий ва миллий жиҳатларини асослаш;

турли мавзуларга доир лисоний воситаларнинг нутқдаги фаоллик даражасини кўрсатиб бериш;

тилларнинг лингвомаданий хусусиятларини ифодаловчи тил бирликларининг фарқли ва ўхшаш жиҳатларини далиллаш;

ижобий ва салбий маънога эга тил бирликларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти инглиз ва ўзбек тилларидаги диалогик риторика ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – инглиз ва ўзбек тилларида диалогик риториканинг лингвистик ва экстралингвистик омиллари ҳамда гендер, лингвомаданий хусусиятларини чоғиштирма аспектда тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда тарихий-этимологик, тавсифий, чоғиштирма, статистик, прагматик анализ методлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида диалогик нутқ таъсирчанлигининг ошишида хизмат қилувчи фонетик, морфологик, лексик ва синтактик тил сатҳларига оид лисоний бирликлар далилланган;

диалогик риторикага тадқиқ этилаётган тилларнинг фарқли ва умумийлик жиҳатларини намоён этувчи парафонетик ва паракинетик воситалар исботланган;

лингвомаданий ва гендер аспектларда диалогик риториканинг миллийлик ҳамда умумийлик хусусиятларни акс этувчи лисоний воситалар асосланган;

диалогик риторикада кенг қўлланилувчи мавзуларга оид лингвистик воситаларнинг нутқда қўлланишига кўра фаоллик даражаси ўртасидаги фарқлар ишлаб чиқилган;

тадқиқ этилаётган тиллардаги диалогик риторикада ижобий ва салбий маънога эга тил бирликлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инглиз ҳамда ўзбек тилларидаги мавзу доирасида тематик гуруҳланган сўз ва иборалар (диссертант таржимаси асосида) илмий тадқиқотнинг *илова* қисмига киритилган;

диалогик риторикадаги фаол қўлланувчи мавзуларга оид лингвистик воситалар нутқда қўлланишига кўра фаоллик даражаси жадвал асосида келтирилган;

диалогик риторика бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида инглиз ва ўзбек тилларига оид нутқий формулалар луғати яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва

усуллар, фактик тил материали ва унинг мутасадди ташкилотлар тавсиясига кўра чоп этилган луғатлар, полиграфик ва электрон нашр маҳсулотларидан олинганлиги, илмий тадқиқотнинг натижалари унинг назарий концепциясига мос келиши, янги самараларга эришилганлиги ва янги масалалар кўйилганлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ҳамда илмий хулосаларидан чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материаллари тилшунослик ва таржимашуносликда миллий-маданий хусусиятлар муаммосини тадқиқ этишда ёрдам беради. Шунингдек, диссертация мавзусига доир таҳлиллар натижасида олинган илмий-назарий хулосалар таълим ва тарбия жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан «Нутқ маданияти асослари», «Стилистика», «Чет тили (инглиз)», «Ҳозирги ўзбек тили» каби фанлар ва махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

диалогик риторикада энг фаол мавзулар билан алоқадор лингвистик воситаларга оид икки тилдаги материаллар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Таржима назарияси ва амалиёти» (роман-герман тиллари) бакалаврият таълим йўналишида амалий таржима, таржима назарияси ва тарихи каби фанлар бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (O`zStandart Давлат агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 36.1409:2014-сон Қарори билан тасдиқланиб, 5018-сон рақами билан рўйхатга олинган). Таклиф этилган материаллар таржима жараёнида тилларга доир миллий-маданий хусусиятлар муаммосини ечишга ва уларни таржима қилиш усуллари ёритиб беришга ёрдам берган;

ўзбек тилида диалогик риторикага оид лингвистик ва экстралингвистик омиллар, ушбу тилда нутқий формулаларга доир лисоний воситалар билан алоқадор материаллардан Ўзбек тили ва адабиёти музейининг № Ф1ФА – 0-55746 ФА – Ф1 – Г022 – «Марказий Осиё халқлари адабий қўлёзма ёдгорликлари, Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини тўплаш, илмий тавсифлаб нашр қилдириш ва уларнинг музей воситалари орқали намойиш қилиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойихасида (2012-2016) фойдаланилган (ФТКнинг 2016 йил 4 ноябрдаги 03-13/746-сон маълумотномаси). Натижада музейдаги Алишер Навоий залининг «Муҳокамат ул-луғатайн» қисми, Бобур ва Бобурийлар экспозицияси билан алоқадор музей архиви мавзуга оид илмий материаллар билан тўлдирилишига хизмат қилган;

ўзбек тилида диалогик риториканинг лингвомаданий хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар, жумладан, ўзбек тилида диалогик риторикада энг фаол мавзулар асосида аниқланган нутқий формулаларга оид материаллар Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг «5120100 – Филология ва

тилларни ўқитиш» (Ўзбек филологияси) бакалаврият таълим йўналишида ҳозирги ўзбек тили, она тили ва адабиёт ўқитиш методикаси каби фанлар бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (O`zStandart Давлат агентлигининг 2014 йил 10 октябрдаги 36.1542:2014-сон Қарори билан тасдиқланиб, 5164-сон рақами билан рўйхатидан ўтказилган). Таклиф этилган материаллар таълим жараёнида ўзбек тили нутқ маданиятига оид миллий хусусиятлар муаммоси ҳамда диалогик мулоқот жараёнида нутқий самарадорликка эришишдаги муаммоларни бартараф этиш, университет талабаларини ўзбек тили нутқ маданиятига оид билимларини янада такомиллаштириш, уларнинг таъсирчан ва ифодали сўзлашга доир кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 28 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш чоп этилган, булар: 1 та монография, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 207 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ҳамда вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нутқ маданиятининг риторик аспекти тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатида**» деб номланган биринчи бобида нутқ маданиятининг аспектилари ҳақида сўз боради.

Нутқ маданияти – муайян бир халқ маданиятининг ушбу халқ тилидаги акси ва ифодасидир. Ушбу тушунча борасида турли хил қараш ва изоҳлар мавжуд бўлса-да, энг аввало, нутқ маданияти грамматик жиҳатдан тўғри гап тузиш, хатосиз сўзлаш, тушунарли ва равоён фикр юритиш деб талқин этилади. Нутқ маданиятининг меъёрийлик, этик (ахлоқий), коммуникатив⁷ ва

⁷ Тешабоева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (ЎзР ОАВ мисолида): Филол. фан. док. ...дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2012. – Б. 24-36; Культура русской речи. Учебник для ВУЗов. – М.: Норма-Инфра, 2000. – С. 15.

риторик⁸ аспекти мавжуд бўлиб, улар ўзига хос жиҳатларга эгаллиги билан характерланади. Тилда меъёр билан боғлиқ қоидаларга риоя қилиш, нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, тозаллиги, жўялилиги, мантиқийлиги каби бир қатор коммуникатив сифатларга қўйилган талабларга амал қилиш, нутқ одоби ҳамда риторика қонуниятлари сирларидан бохабар бўлиш мулоқот жараёнининг юқори нутқ маданияти билан таъминланишида асос вазифасини ўтайди. Нутқ маданиятининг риторик аспекти нотиклик назарияси асосларини ўрганиш билан бир қаторда, нутқнинг таъсирчанлиги билан боғлиқ лисоний ҳодисаларни назарий жиҳатдан тадқиқ этади. Таъсирчан нутқ дейилганда, тингловчи ва ўқувчининг диққат-эътиборини жалб қила оладиган ҳамда уларда қизиқиш уйғота оладиган хусусиятларга айтилади. *Нутқ маданияти* дейилганда, мулоқот ва нутқ мақсадига кўра тил воситаларидан тўғри ва ўринли фойдаланиш тушунилса, *риторикага* эса тўғри ва ўринли нутқни тингловчиларга етказиб бериш йўллари ва усуллариини ўрганувчи аспект сифатида қаралади.

Тилшуносликка оид луғатларда *риторика*: «Таъсирчан ва ифодали нутқни назарий жиҳатдан ўрганувчи соҳа», деб талқин этилади⁹.

Антик давр нотиклари *риторикани* «маълум бир мавзуда тингловчини ишонтира олиш йўллариини билиш санъати» (Арасту), «яхши нутқ сўзлаш ҳақидаги фан» (Квинтилиан) деб талқин қилсалар, рус олимлари уни «ифодали сўзлай билиш санъати, ўзгаларни ўз фикрига қўшилишга кўндира олиш, таъсир қила билиш» (М.В. Ломоносов), «қалбларни ларзага солувчи, ўзга қалбларни нотикнинг хоҳиш-истаклари билан тўлдирувчи, уларни нотикнинг мақсадлари сари йўналтира олувчи бир неъмат» (Н. Кошанский, М.М. Сперанский)¹⁰, деб таърифлайдилар.

Чет эл олимлари томонидан риторикага – «ишонтириш, яхши сўзлаш ва нутқни безаш санъати» (В. Флорески), «ундовчи нутқнинг назарияси» (С. Перелмен, Б. Франс, Гейснер), «турли хил нутқларни кузатиш натижасида юзага келган санъат» (Д. Марсес), «хоҳишларни уйғотиш мақсадида ақлни, онгни ишлата билиш санъати» (Бекон)¹¹ каби турли таърифлар берилган.

Бизнинг фикримизча, риторика – фикрни ифодали, маъноли, таъсирчан баён эта олган ҳолда тингловчиларга таъсир этиш, уларни сўзловчи мақсадлари сари эргаштириш, мавзуга қизиқтириш ҳамда ишонтира олиш, тингловчиларни савобли ишларга қўл уришга ундай олиш санъатидир. Биз турли манбаларда риторикани «*ундаш ва ишонтириш санъати*» деб таърифлаган фикрларни риторикага берилган энг ўринли баҳо деб ҳисоблаймиз.

Риторика дейилганда, икки маъно назарда тутилади. Биринчиси – нотиклик санъатининг асосларини ўрганувчи фан, иккинчиси эса – ҳар қандай ифодали ва таъсирчан нутқни илмий жиҳатдан ўрганувчи соҳа.

⁸ Пасечная И.Н. Культура речи (аспекты порождения высказывания). – Орск, ОГТИ, 2012. – С. 9-28.

⁹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 389.

¹⁰ Габуния З., Башиева С. Риторика как часть традиционной культуры. – Нальчик, ЭЛЬФА, 1993. – С. 3-77.

¹¹ Тарасов Е.Ф. и другие. Речевое воздействие в сферах массовой коммуникации. – М.: Наука, 1990. – С. 15-21.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфиди риториканинг шаклланиши, Ғарб ва Шарқ нотиклик санъатининг ривожланиш тарихи чоғиштириш орқали таҳлилга тортилган.

Риторика алоҳида фан сифатида шакллангунга қадар қатор босқичларни босиб ўтган. Эрамиздан аввалги 510 йилда Афинада демократик институтларнинг ўрнатилиши нотикликнинг муҳимлигини, айниқса, халққа хизмат кўрсатиш тармоқларида аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Ўқитувчилар гуруҳи, яъни *софистлар* деб ном олган гуруҳ кишиларни яхшироқ, ифодалироқ нутқ сўзлашга ўргата бошладилар¹². Софистлар дарсларга жуда катта ҳақ олганлар, ўз эгаллаган билимларини эса, донолик деб билганлар¹³. Римда расмий риториканинг моҳирлари, ўқитувчилари аввал юнонлар бўлганлар. Назарий ва амалий риториканинг буюк усталари Цицерон ва Квинтилианлар юнон услуби асосида иш кўрганлар¹⁴. Ифодали сўзлаш назарияси асослари дастлаб Арастунинг «Риторика» трактатидан бошланади¹⁵, Коракс Сиракус – сицилиялик грек миллатига мансуб шахс нотиклик асосчиси бўлган¹⁶, энг биринчи нотиклар: Антифонт, Андокид, Лусиас, Сукрот, Исаус, Демосфен, Лусиргус ва шу каби бошқа нотиклар бўлган¹⁷, деган турли хил қарашлар ҳам мавжуд.

Кўпгина давлатларда риторикани ҳаётнинг 3 асосий жабҳаси: сиёсат, суд ва дин тизимида муҳим деб билганлар.

Анъанавий риторика Буюк Британиядаги нотиклик санъатига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ушбу мамлакатда ўрта асрлар диний нотиклик ривож топиб, сиёсий нотикликка бўлган эътибор сусайган давр бўлди. Англияда энг таниқли нотик Жон Генри Ньюмен бўлиб, у динни кенг тарғиб қилар экан, черковдаги маҳаллий диний стандартларнинг ривожига катта таъсир кўрсатди¹⁸. Паул, Жон Крисостом, Августин каби қадимги даврнинг машҳур нотиклари шулар жумласидан. XV асрда Савонарола, XVI асрга келиб, Мартин Лютер ва Жон Калвин каби буюк нотиклар фаолият олиб борганлар¹⁹. XVIII асрда лотин ва юнон адабиётининг таъсири остида Англияда нотиклик санъати янада ривож топди²⁰. Ушбу даврда сиёсий нотиклик ҳам муҳим деб ҳисобланиб, унга бўлган эътибор кучайиб борди. XIX асрда (1832 йил) қонунларнинг қайта ислоҳ қилиниши нотиклик санъатининг янада ривож топишига сабаб бўлди. Лекин қисқа вақт ичида у қуруқ сиёсий нутққа, сафсатабозликка айланиб қолди²¹. 1920 йилларга келиб анъанавий риторика ўзининг илмий кадрини йўқотган ва у стилистика фанининг ичига киритилган²².

¹² Нерсеянц В.С. Сократ. – М.: Инфра – М – Норма, 1996. – С. 60.

¹³ Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Риторика и культура речи. – Ростов – на Дону: Феникс, 1998. – С. 223.

¹⁴ Funk and Wagnalls New Encyclopedia. – USA: Funk and Wagnalls, 1976. V 22. – p. 252.

¹⁵ Габуниа З., Башиева С. Риторика как часть традиционной культуры. – Нальчик, ЭЛЬФА, 1993. – С. 3-4.

¹⁶ World Book Encyclopedia. – USA: World Book, 1994. V.14. – PP. 818.

¹⁷ Funk and Wagnalls New Encyclopedia. – USA: Funk and Wagnalls, 1976. V 22. – p. 252.

¹⁸ The Columbia Encyclopedia. – USA: Columbia University Press, 1993. – P. 2091-2092.

¹⁹ World Book Encyclopedia. – USA: World Book, 1994. V.14. – P. 819.

²⁰ Britannica Concise Encyclopedia. – USA: Encyclopedia Britannica, 2003. – P. 1034.

²¹ Britannica Concise Encyclopedia. – USA: Encyclopedia Britannica, 2003. – P. 2091-2092.

²² Гиро П. От риторике к стилистике// Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1980. – С. 35-40.

Юнонистонда *риторика* деб номланувчи нотиклик санъати Шарқда *воизлик* деб аталган. *Воизлик санъати* – жамоат олдида нутқ сўзлаш, илмий-сиёсий маъруза, баҳс, мунозара, тарғибот ва ташвиқотнинг асосий воситаси сифатида кенг ижтимоий мавқега эга санъат бўлиб, қадимда Шарқ мамлакатларида ҳукмдор шахсан ўзи жамоат олдида чиқиб, ўз сиёсати, халқаро аҳвол ва бошқалар ҳақида нутқ сўзлаган. Эл олдида чиқиш, айниқса, жума намози, ҳайит, наврўз байрамлари, мамлакатлараро уруш бошлангандаги йиғинларда ва шу каби бошқа кунларда одат тусига кирган. Кейинчалик бу муҳим ишни хушовоз, таъсирчан гапирадиган, ишонтира оладиган махсус кишилар – *воизларга* топширганлар²³.

Ўзбекистонда риториканинг ривож топишида ислом динининг инсонни рухий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи *сўфийлик* таълимоти ҳам катта аҳамият касб этди. «Сўз калити» деб номланган асар муаллифи бўлган фарғоналик Қози Эшоний (XV–XVI) риторика ривожига катта хисса қўшади. У кишиларни ишонтириш, ундаш ва ҳар қандай баҳс-мунозарада ютиб чиқа олиш қобилиятига эга эди²⁴.

Хожа Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Муъин Воиз Ҳусравий, Баҳоуддин Валад, Жалолиддин Румий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Содик Қошғарий, Абу Наср Форобий, Кайковус, муфти Зиёвуддинхон Эшон Бобоҳон ўғли ва бошқалар сўз кудрати ҳамда жонли нутқ санъатига эга ўз замонасининг машҳур арбоблари бўлганлар.

Ўтган ХХI асрнинг 60-йиллари бошида адабий тил меъёрларини эгаллашга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Анъанавий риторика ўзининг илмий қадрини йўқотгандан сўнг у олий таълим муассасаларида «Нутқ маданияти асослари» фанининг ичига киритилган. Тарихий риторика ўзининг яшаш услубига эга эди. Янгича ҳаёт унга янги услубларни олиб келди.

Мазкур бобнинг учинчи параграфида умумий ва хусусий риторика, риторика қонуниятлари (инвенция – материални топиш ёки ихтиро қилиш, диспозиция – жойлаштириш, элокуция – сўз билан ифодалаш ёки безаш, меморио – ёдлаш, талаффуз қилиш), этос, пафос, логос, хрия, диалектика, эристика, софистика каби риторикага оид терминлар ҳақида сўз юритилади. Қолаверса, бу параграфда риториканинг ўрганиш объекти бўлган нутқ турларига аниқлик киритилади. Маълумки, риторика ўзининг ривожланиш тарихи аввалида нутқнинг уч тури (сиёсат, суд ва дин тизими)да мавжуд деб тан олинган. Лекин бу қарашлар вақт ўтиши билан нотиклик борасида маълумот берувчи айрим манбаларда инкор этилади. Масалан, Г.З. Апресян, С. Иномхўжаевлар риторика ижтимоий-сиёсий, академик, суд нутқлари, социал-маиший, диний, оммавий ахборот воситаларида янграйдиган нутқ турларида ҳам мавжуд деб ҳисоблаб, антик даврдаги қарашларни ўзгача фикрлар билан тўлдирадиганлар²⁵. А.Е. Михневич юқоридаги нутқ турларига

²³ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдли. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001. Ж. 2. – Б. 6; Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М.: МГУ, 1978. – С. 30; Жалилов Ҳ. Нотиклик санъати. – Т.: Ўзбекистон, 1976. – Б. 13.

²⁴ Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М.: МГУ, 1978. – С. 30-31.

²⁵ Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М.: МГУ, 1972. – С. 62-63; Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – Б. 6.

мунозара нутқини ҳам қўшади²⁶. Мунозара нутқи кенгаш, суҳбат, баҳс ва мунозара, тортишув, симпозиум, савол-жавоб кечалари, матбуот анжуманларидаги нутқларни ўз ичига олади.

Фалсафа бўйича жаҳон энциклопедияси риторика оддий сўзлашув нутқи, яъни лукмалар ёки фикр алмашиш (икки киши ёки бир неча киши орасидаги оғзаки диалоглар), бир неча кишига маълумотни муайян кетма-кетликда етказиш (миш-мишлар), халқ оғзаки жанрларидаги нутқлар (чўпчаклар, латифалар, афсоналарни айтиш)да ҳам ўз ифодасини топиши борасида гувоҳлик беради²⁷.

Диссертацияда юқорида номи қайд этилган нутқлар ичидан икки ёки бир неча киши орасидаги оғзаки диалогларни тадқиқ қилишга эътибор қаратилди.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфида олимлар томонидан диалоглар турлари ҳамда диалогик риторика борасида амалга оширилган тадқиқотларга муносабат билдирилди.

Диалог риториканинг ўрганиш объекти эканлиги кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган²⁸. Антик ёки анъанавий риторика фақат расмий нотиклик санъатини ўрганган бўлса, замонавий риторика нутқнинг барча кўринишлари, хусусан, диалогик нутқни ҳам ўз объекти сифатида қарайди.

Л.А. Введенская ва Л.Г. Павлова диалог асосида вужудга келувчи нутқни икки: расмий ва норасмий турларга бўладилар²⁹. Расмий диалогик нутқ маълум бир иш юзасидан, хужжатлар билан боғлиқ, корхоналардаги йиғилишлар, музокаралар олиб бориш каби ҳолатлардаги нутқ бўлса, норасмий равишдаги диалогик нутқ энг кўп қўлланувчи нутқ ҳисобланади. У оила даврасида, кўчада, транспорт воситаларида, дўстлар, яқин инсонлар билан самимий суҳбат қуришда ўз ифодасини топади. Биз юқорида қайд этган диалогларнинг иккинчи, яъни норасмий турига мурожаат қилганмиз.

«Диалогик риторика» термини Хайнц Леммерман³⁰, Петра Акзел³¹, Жон Дю Bois³², Кеннес Н. Сисна, Роб Андерсон³³ ва шу каби бошқа олимлар томонидан тилга олинган. Диалогик риторика суҳбат, мунозара, расмий учрашувлар, матбуот анжумани, интервью, давра суҳбатлари чоғида юзага

²⁶ Михневич А.Е. Лекторнинг нотиклик санъати. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 13.

²⁷ Грицанов А.А. Всемирная энциклопедия. Философия. – М.: Современный литератор, 2001. – С. 865.

²⁸ Франк Д. Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общения, лингвистике и риторике// Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1986. – № 17. – С. 370; Рождественский Ю.В. Лекции по общему языкознанию. – М.: Высшая школа, 1990. – С. 70-74; Кривелев И.А. Лекторнинг нотиклик санъати. – Т.: Ўзбекистон, 1980. – Б. 5; Платон. Диалоги. – М.: Эксмо, 2007. Т. 1. – С. 5-1220; Рождественский Ю.В. Теория риторики. – М.: Добросовесть, 1999. – С. 3-442; Азизян И.А. Диалог искусств Серебряного века. – М.: Прогресс-Традиция, 2001. – С. 5-387; Грицанов А.А. Всемирная энциклопедия. Философия. – М.: Современный литератор, 2001. – С. 865; Мартъянова И.А. Основы риторики. – Санкт-Петербург: Сова, 2002. – С. 188; Ипполитова Н.А, Князева О.Ю., Савова М.Р. Русский язык и культура речи. – М.: Проспект, 2009. – С. 370-387; [www.ahmerov.com/book; http://stylistics.academic.ru](http://stylistics.academic.ru).

²⁹ Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Риторика и культура речи. – Ростов – на Дону: Феникс, 2005. – С. 6-52.

³⁰ Леммерман Хайнц. Уроки риторики и дебатов. – М.: Уникум Пресс, 2002. – 160 б.

³¹ Petra Aczel Eager Dialogue as Rhetoric of Deliberation in the Public Sphere // Journal of English Studies. 2008. – № 8 – P. 147.

³² John W. Du Bois. Co-opting Intersubjectivity: Dialogic Rhetoric of the Self// Rithorical Emergence of Culture. – Oxford, Berghahn. – P. 52-83.

³³ Kenneth N. Cissna, R. Anderson Dialogic Rhetoric, Coauthorship, and Moments of Meeting.// Dialogue and rhetoric. – University of Munster, John Benjamin publishing Company, 1984. – P.39-47.

келувчи нутларни назарий жихатдан ўрганади³⁴. Юқорида қайд этилган нутқ турлари ичида диалог асосида юзага келувчи норасмий вазиятлардаги суҳбатлар риторик аспектда таҳлилга тортилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Диалогик риториканинг лингвистик ва экстралингвистик табиати (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**» деб номланиб, унинг биринчи параграфиди диалогик риторикада лисоний воситалар мазкур тилларнинг фонетик, морфологик, лексик ҳамда стилистик сатҳлари нуқтаи назаридан таҳлилга тортилди ва нутқ таъсирчанлигининг ортишида хизмат қилувчи лисоний воситалар аниқланди.

Ўзбек тилида гап охиридаги биргина унлини чўзиш, инглиз тилида эса бутун жумладаги ҳар бир сўзга урғу қўйиб, юмшоқ оҳангда талаффуз қилиш таъсирчанликнинг ошишига олиб келади. Лекин ҳар икки тилда жумлалардаги *please* ва *илтимос* сўзларини чўзиб, баландроқ овозда ифода этиш билан суҳбатдошни маълум бир фаолиятга ундаш кучаяди. Ўзбек тилида сўзни чўзиқ оҳангда ифода этиш натижасида гап охиридаги айрим ундош товушлар тушиб қолади (берақо-о-о, келақо-о-о), инглиз тилида мазкур ҳолат кузатилмайди. Ҳар икки тилда аниқ ва равшан, мулойимлик, меҳр билан ифода этилган фикрлар тингловчига ижобий таъсир кўрсатади. Инглиз тилида ҳар бир сўзга, ўзбек тилида эса ҳар бир бўғинга алоҳида-алоҳида урғу бериш нутқ таъсирчанлигини оширади. Мазкур тилларнинг ҳар иккисиди ортиқча товушлар (инглиз тилида *uh...*, *ums...*, *ahs...*, *er...*, ўзбек тилда *ҳм...*, *э...*, *ў...* каби)ни ифодалаш, йўталиш, тўхтаб олиш каби ҳолатлар нутқ тасирчанлигининг сусайишига олиб келади. Тадқиқ этилаётган тилларда урғуни гапдаги ундалмага тушириш, суҳбатдошни сўзловчига бўлган диққатини, эътиборини оширади. Қолаверса, ҳар икки тилда урғунинг нафақат бўғин ёки сўзга, балки бутун бир гап ёки матнга тушиши орқали ҳам нутқ таъсирчанлиги ортади. Ўзбек тилида исмларнинг таркибий қисмига урғуни тушириш (*Нисохон*, *Ботиржон*) ҳам ушбу мақсадларга хизмат қилади.

Ўзбек тилида ҳурмат маъносини ифода этувчи II шахс кўплик *-сиз* ҳамда бўлишсизлик маъносини ҳосил қилувчи *-май* аффикслари, *-ми*, *-чи* сўроқ ва таажжуб юкламалари диалогик риторикада кенг қўлланилса, инглиз тилида бу ҳодиса гапда *модал феъллар*нинг сўроқ ҳамда инкор шаклларда (*could*, *couldn't*, *will*, *won't*) қўлланиши билан изоҳланади. Тилларнинг иккисиди ҳам мурожаат сўзларга эркалаш-кичрайтириш аффиксларини қўшиш нутқ таъсирчанлигини оширади (*dad+dy*, *son+ny*/ (*она+гина+м*, *ука+гина+м*). Лекин ўзбек тилида *ака*, *она*, *ука* каби қариндош-уруғчилик маъносини ифода этувчи сўзларга юқорида қайд этилган аффикслар, ҳурмат маъносини ҳосил қилувчи ҳамда I шахс бирликдаги эгалик аффиксини қўшиш ҳам шу мақсадларга хизмат қилади (*амаки+жон*, *ука+хон+им*). Ҳаттоки, улар бегона кишиларга мурожаатда ҳам кузатилади, инглиз тилида эса бу каби мурожаат фақат қариндош-уруғларга нисбатан ифодаланади (*aunt+ie*). Инглиз тилида ушбу лисоний ҳодиса исмлар олдида ҳурмат маъносини ифода этувчи *Mr.*,

³⁴ <http://webkonspect.com/?id=2419&labelid=24595&room=profile>

Mrs., Miss каби сўзларнинг қўшилиши билан изоҳланади. Ўзбек тили аглютинатив тил ҳисобланади, шу сабабли бу тилда аффиксация кенг ривожланган, инглиз тили эса аналитик тил бўлиб, унда аффикслар жуда кам ҳолларда сўзларга қўшилиб келади. Бу ҳолат диалогик риторикада ҳам ўз ифодасини топади.

Диалогик риторикада кишилик олмошлари алоҳида аҳамият касб этади. Бунда кишиларни ҳурмат юзасидан *сизлаб гапириш* ҳар икки тилдаги риторик аспектда ижобий баҳоланади.

Тадқиқ этилаётган тилларда ҳар қандай сўз диалогик риторикада таянч (инсонга таъсир қилишда асос) сўз бўлиб қўлланиши мумкин. Инглиз тилида *do* ёрдамчи феълени ёки *just* сўзини асосий феъллар олдидан қўллаш, ўзбек тилида эса феъллар олдига равиш ва сифат сўз туркумларига хос *жуда, қаттиқ, роса* каби сўзларни қўшиш орқали нутқий таъсирчанлик ортади. Бу борада мазкур тилда такрор сўзлар (*қани-қани, олинг-олинг, келинг-келинг* каби)нинг ҳам аҳамияти катта. Лекин инглиз тилида бу лисоний ҳодиса учрамайди. Ўзбек тилида такрор сўзларда ифода этилаётган маъно инглиз тилида биргина сўз, предлогли бирикма, иборалар (*welcome, help yourself* каби) орқали ифода этилади. Ҳар икки тилда ҳам ортикча, кераксиз сўзларни (*well, so, just / анақа, тавба, астағфируллоҳ* каби) такроран қўллаш диалогик риторикада мулоқот самарадорлигига путур еткази.

Инсонни маълум бир фаолиятга ундаш, қизиқтириш, ишонтиришда қўлланивчи таянч тил бирликлари мазкур тилларда *бир сўздан* ташқари *сўз бирикмаси, гап* ва *матн*ларга тенг бўлади. Нутқ таъсирчанлиги ушбу тилларда *дарак гап, сўроқ гап, риторик сўроқ гап, буйруқ гап, ҳис-ҳаяжон гап, шарт эргаши гапли қўшма* гаплар орқали ортади. Шунингдек, мазкур тилларда таянч тил бирликлари гапда *ундалма, кириш сўз* ва *уюшган бўлак* вазифасида ҳам келади. Тадқиқ этилаётган тилларда *сўроқ гаплар дарак гапларга* нисбатан суҳбатдошни маълум бир фаолиятга ундашда ўз таъсир кучига эга. Инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида *матнлар* орқали инсонларга таъсир қилишда *панд-насихатга оид жумлалар тез-тез* учрайди.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфида метафора, метонимия, эпифора, такрорлаш, гипербола, анафора, инверсия, парафраза, градация, антитеза, литота, эпитет, эллипсис, оксюморон, ўхшатиш каби стилистик воситаларнинг диалогик риторикада нутқий таъсирчанликнинг ошишидаги аҳамияти ҳар икки тилдаги мисоллар таҳлили орқали асослаб берилган.

Масалан, икки нарса ёки воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгиси, моҳиятини тўлароқ, бўрттириброқ кўрсатиб бериш билан характерланувчи *ўхшатиш* стилистик воситаси³⁵ шулар жумласидан. Бунда инглиз тилида *as* ва *like* боғловчилари, ўзбек тилида эса *гўё, каби, сингари, монанд* каби сўзлар ҳамда *от, олмош сўз туркумларига -дек, -дай* аффиксларини қўшиш ёрдамида ўхшатиш нутқда ифода этилади. Масалан:

³⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. Ж. 5. – Б. 185; Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р. Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 239.

Alan blew the pipe. Robin then repeated Alan's music and corrected some parts of it. Then Alan began again. Robin used the same tune.

«Enough!» he said. «You can play the pipes. Now we will try something else.» He got up to fight... «Robin Oig,» he said. «You are a great piper! You are much better than me. I think I am better with the sword than you. But if we fought, I could not kill a good piper like you!»

*The quarrel had now ended. All night they played and ate and drank*³⁶.

Филҳол эрини ийдириши йўлини тутиб, унга илиқ муомалада амр берди:
– *Барака топгур, ҳалиям бўлса қўғирчоқ одам опчиқиб ўрнатинг. Сиздан нима кетди? Карнайчидан бир пуф дегандай гап-ку, ахир! Бир сафар хўн дея қолинг?!*

Расул ака гапни кўпам чўзиб ўтирмай, унинг амрини вожиб қилишни афзал билди:

– *Хўн, қўғирчоқ одамни шу бугуноқ қўндириб қўяман*³⁷.

Келтирилган мисолларнинг биринчисида *I could not kill a good piper like you!* (Сиздек ажойиб найчини мен мағлуб қила олмаган бўлар эдим) дейиш орқали суҳбатдошни тинчланишга ундаш, иккинчи мисолдаги *Карнайчидан бир пуф дегандай гап-ку, ахир* жумласи орқали тингловчини маълум бир фаолиятга ундаш кузатилади.

Нарса ва ҳодисанинг белги-хусусияти, ҳолатини бўрттириб, орттириб тасвирловчи стилистик восита **муболаға** (гипербола) ҳам юқорида қайд этилган мақсадларда қўлланилади. Масалан:

*She found him practising in the woods near the Big House one day. «Hello, Tarzan,» she said. «How are the muscles?» «Fine Jean,» he said shyly. She was kind to all. «You will be elephant before you finish.» She said it quite nastily and he didn't speak. «I meant,» she said. «You are stupid. You are just making yourself into a big stupid elephant.» «Och, Jean,» said Georgie*³⁸.

Келтирилган мисолда қизча машқ қилаётган йигитни машқ қилмасликка ундаш мақсадида ўз нутқида гипербола (*You will be elephant, You are just making yourself into a big stupid elephant* – филдек катта бўлиб кетасиз, жуда ҳам катта фил бўлиб кетасиз) стилистик воситасини қўллайди. Ўзбек тилидаги мисол ҳам шулар жумласидан:

– *...У даштнинг қолган уч кунлик йўли эса ҳаммаси илонзордан иборатдир. Уларнинг сони минг, ўнг мингдан ошади, ўнг минг қаёқда, балки илонларнинг сон-саногии йўқ. Агар улар пашишага захар соладиган бўлсалар, шишириб филдек қилиб юборадилар. Шундай илонлар ҳам борки, унга кўзи тушса, одам ўлади...*

Шоҳ бу сўзларни эшитгач, айтди:

– *...Модомики томошанинг йўли берк экан, у тарафга боришни тарк этиши маъқулроқдир*³⁹.

³⁶ Stevenson R.L. Kidnapped. – England: Longman, 1993. – P. 84.

³⁷ Аббос Саид. Беш кунлик дунё. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 26.

³⁸ Walker D. Geordie. – UK: Nelson, 1992. – P. 23.

³⁹ Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 752.

Ушбу мисолда сўзловчи суҳбатдошни маълум бир жойга бормасликка ундар экан, унинг нуткида бўрттириш стилистик воситаси қўлланилади (Уларнинг сони минг, ўнг мингдан ошади, ўнг минг қаёқда, балки илонларнинг сон-саногги йўқ. Агар улар паишага заҳар соладиган бўлсалар, шишириб филдек қилиб юборадилар. Шундай илонлар ҳам борки, унга кўзи туиса, одам ўлади...).

Учинчи параграфнинг биринчи қисмида парафонетик воситаларнинг диалогик риторикада ифода этилиши тадқиқ этилаётган тилларда қиёсий таҳлил қилинган. Тил бирлиги ҳисобланмаган, мулоқот иштирокчиларига маълум ахборот беришда аҳамиятли бўлган нутқий фаолиятни кузатиб борувчи барча товушли воситалар *парафонетик воситалар* ҳисобланади. Масалан, товушнинг жуда ҳам майин оҳангда талаффуз этилиши мулоқот самарадорлигининг таъминланишига асос бўлади. Фикримизни қуйидаги мисоллар ёрдамида изоҳлаймиз:

«Wormtail will get us drinks,» said Snape. «I am not your servant!» he squeaked, avoiding Snape's eye. «Really? I was under the impression that the Dark Lord placed you here to assist me.» «To assist, yes – but not to make you drinks...» «I had no idea, Wormtail, that you were craving more dangerous assignments,» said Snape silkily. «This can be easily arranged: I shall speak to the Darl Lord.» Wormtail hesitated for a moment... within seconds he was back, bearing a dusty bottle and three glasses upon a tray⁴⁰.

– Тўйда сени Ёқуб кўрган экан, – деди йиғи аралаш онам. – Тегмасанг бўлмайди.

– Нега, ахир? Ким экан мени мажбурлаб хотин қилиб оладиган? ...Мен тегмайман унга!

... Ёқуб кириб келди.

– Сиз... сиз..., – дея олдим титраб-қақшаб...

– Ўзингизни босинг, Латофатхон, – деди Ёқуб... – Кўрқманг, – **дея секин товушда юпата бошлади у мени...** – Сизни бир кўришдаёқ ёқтириб қолдим... Мана шу ҳовли-жойни сенинг номингга расмийлаштираман. Шу жой сеники! Тагингда машина, истаган жойингга олиб боради...

...охирини шоҳона ҳаёт ҳақидаги ваъдалар таъсирида бўшаидим, Ёқубники бўлдим...⁴¹

Товушларнинг юмшоқ ҳамда буйруқ оҳангида ифода этилиши, нутқнинг илтимос, ялиниш маъносига эга бўлиши ҳар икки тил риторик аспектида ижобий баҳоланади. Инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида гапдаги сўнгги сўз охирига *-а, -е, -я, -ю* каби сўроқ, ҳис-ҳаяжон, кучайтириш юкламаларини қўшиб (*бўлди-я, бас қилинг энди*), уларни юқори тоналликда талаффуз қилиш орқали нутқий таъсирчанлик ортади.

Ушбу параграфнинг иккинчи қисмида инсон хатти-ҳаракатларининг нутқ таъсирчанлигини кучайтиришдаги аҳамияти таҳлил этилган. Ҳар икки тилда суҳбатдошни маълум бир фаолиятга ундашда тингловчининг қўл ва

⁴⁰ Rowling J.K. Harry Potter. – New York: Scholastic inc., 2005. – P. 24.

⁴¹Ибодинов А. «Латофат» дўконидаги қатл. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 106.

елкасини меҳр ҳамда муҳаббат билан силаш каби хатти-ҳаракатлар амалга оширилади. Инглиззабонлар кўрсаткич ва ўрта бармоқларини бир-бирининг устига чалиштириб суҳбатдошни маълум бир фаолиятга ундайдилар.

Ўзбеклар ўнг қўлни кўксига қўйиб суҳбатдошни ишонтиришга ҳаракат қиладилар. Уларнинг елкасини қоқиш ва силаш орқали маълум бир фаолиятга ундаш аксарият ҳолларда ёши катта онахон ва отахонлар хатти-ҳаракатида учрайди. Улар *уят бўлади* деган маънода кўрсаткич бармоқни юзнинг ўрта қисмидан пастга қараб ҳаракатлантирадилар. Суҳбатдош шаънига дуо қилишдаги қўл ҳаракатлар ҳам ҳар икки халқда турлича ифода этилади (инглизлар ўнг қўл бармоқларини бирлаштириб, уларни икки елка ва пешона томон ҳаракатлантирадилар, ўзбеклар эса икки қўлни дуо қилиш учун бир-бирига бирлаштирган ҳолда очадилар).

Инглизлар бегона кишилар билан суҳбатлашиш, уларни бирор маълумот беришга ундашда аксарият ҳолларда табассум билан мурожаат қиладилар. Лекин ўзбек сўзловчисининг бегона инсонлар билан мулоқотга киришишида, уларни маълум бир фаолиятга ундашда табассум қилиши (айниқса, аёлларнинг табассум қилишлари) суҳбатдошда ноўрин фикрлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқ этилаётган тиллар риторик аспектида кўздаги ялиниш, мўлтираб тикилиш суҳбатдошда раҳм-шафқат ҳисларини уйғотиши, фикрни сўзловчи томон буришига ундовчи омил эканлиги билан характерланади. Диалогик риторикада инглиззабонларнинг кўзга тик қараб сўзлашлари ижобий баҳоланади. Ўзбек тилида эса кўзга тик қарамай суҳбатлашиш вазиятга қараб маъқулланади.

Учинчи боб «**Гендер аспектда диалогик риторикага хос жиҳатлар (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**» деб номланади. Биринчи параграфда хорижий ва маҳаллий олимларнинг «гендер» терминига турлича ёндашувларига муносабат билдирилади. Биз мазкур терминни эркак ва аёлларга хос бўлган дунёқараш, маданият, одобнинг уларнинг нутқи ҳамда тилидаги акси ва ифодасидир, деб талқин қиламиз. Ушбу параграфда инглиз ва ўзбек аёллари нутқида таъсирчанликнинг ортишида бевосита аҳамият касб этувчи лисоний воситалар таҳлил этилди.

Инглиз ҳамда ўзбек аёллари ялиниш, илтимос қилиш маъносига эга жумлалар (*Please, Geordie, just for me, Geordie*⁴² / *Бувимни кўрсам. Жон дада, жон хола, бувимни кўрсатинглар*⁴³) ва ҳис-ҳаяжон гаплардан кенг фойдаланадилар (*Please, Geordie! / Илтимос, асалим!*) Уларнинг нутқида ҳис-ҳаяжоннинг ортиб бориши кузатилади (*You must win. You must beat that Weber. I shall wish it with all my heart...! I want you to win, Geordie*⁴⁴ / *Наҳот, ота-онанинг иззатини, хизматини қилган киши малай бўлса! ...яхши ўқисин,*

⁴²Walker D. Geordie. – UK: Nelson, 1992. – P. 44.

⁴³ Мирзакалон Исмоилий. Фарғона тонг отгунча. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 254.

⁴⁴ Walker D. Geordie. – UK: Nelson, 1992. – P. 42-76.

деб Зухрани жуда эркалатиб юборган эдингиз! Қизимнинг қўли қаваради, деб ўсмасини ҳам ўзингиз сиқиб берар эдингиз!⁴⁵).

Ҳар икки миллат аёллари жумлаларни юмшоқлик ва майинлик билан ифода этишлари натижасида нутқ таъсирчанлиги ортади.

Ҳар икки миллат аёллари эркалаш ва мақташга оид сўзларни нутқда қўллайдилар. Эркалашда инглиз аёллари, асосан, отли бирикмаларни (*my love, sweet*), ўзбек аёллари буларга қўшимча ҳолда феъл асосида ясалган модал сўзларни (*жоним, онагинанг ўргилсин*) нутқда қўллайдилар.

Инглиз ва ўзбек аёллари панд-насихат қилиш орқали нутқий таъсирчанликка эришадилар. Бу лисоний ҳодиса аксарият ҳолларда ўзбек аёллари нутқида тез-тез учрайди. Улар панд-насихатга оид жумлаларни жуда узун тузадилар, фикрни матнларда ифода этадилар, ривоятлар, ҳадислардан олинган мисоллар келтирадилар. Инглиз аёллари эса жумлаларни қисқа тузиб, фикрни лўнда ифода этадилар. (*You must be very gentle, David. Now you must try to bring each other happiness. Marriage is full of difficulties, David*⁴⁶ / Бу ҳамма билиши керак бўлган калима. Пайгамбаримиз горда ўтирганларида, фаришта Жаброил «Ўқи» деб буйруқ берган... Фаришта ҳар бир одамнинг елкасида бўлади. Ким уришса, сўкишса, сингилларини туртиб ўтирса чап елкасидаги фаришта, ким катталарни кўрганида «салом» берса, молга хашак солса, мактабдан «беш» олиб келса, ўнг елкасидаги фаришта ёзиб ўтиради. Ким яхши бола бўлса дордан ўтиб кетади... Қани энди «Алҳамду» дегин-чи!⁴⁷).

Диалогик риторикада *суҳбатдош шаънига дуо қилиш* орқали нутқий таъсирчанлик ортади. Бунда ҳар икки тилда *Худо / God* сўзлари қўлланилади (*God save you, God bless you*⁴⁸ / *Худо сени ўз паноҳида асрасин*). Лекин инглизлар диний эътиқодига кўра Авлиё ота номини ҳам тилга олиб дуо қилиш (*our Father bless you*⁴⁹), ўзбек тилида суҳбатдошнинг шахсий ҳаётига алоқадор мавзуларда дуолар ўқилиши (*барака топ*⁵⁰, *бола-чақангнинг роҳатини кўр, орзу-ниятларингга ет, яхши жойлардан ато қилсин* каби) мазкур тиллар риторик аспектининг ўзига хос миллий хусусиятини кўрсатади. Суҳбатдош шаънига дуо қилиш, аксарият ҳолларда, ёши улуг ўзбек онахонлари нутқида кузатилади Ўзбек тилида дуо қилишда жумлалар жуда узун тузилади. Инглиз тилида эса улар қисқа шаклга эгалиги билан характерланади. Инглиззабон аёллар нутқида бу лисоний ҳодиса камдан-кам ҳолларда учрайди.

Сўкиш ҳамда салбий маънога эга сўзлар, инглиззабон аёллар нутқида ифода этилса (*Hell with it. The hell with them*⁵¹ каби), ўзбек аёллари нутқида

⁴⁵ <http://giyos.ucoz.org/forum/18-245-1>

⁴⁶ Dickens Ch. David Copperfield. – United Kingdom: Nelson, 1992. – P. 73.

⁴⁷ Исмоил Муҳаммад. Баҳорнинг энг сўнгги лоласи. – Т.: О`zbekiston, 2006. – Б. 158.

⁴⁸ Agee J. A Death in the Family. – New York: Vantage Books, 1985. – P. 229.

⁴⁹ Roget's Thesaurus of English Words and Phrases. – London: The Penguin Press, 2002. – P. 575.

⁵⁰ Аббос Саид. Беш кунлик дунё. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 147.

⁵¹ Gilbert E. Stern Men. – Boston, New York: Houghton Mifflin Company, 2000. – P. 178.

эса қарғашга оид жумлалар кенг қўлланади (*Қирон келсин илоё, ўшаларга!*⁵²).

Қолаверса, ўзбек аёллари нутқида атрофдаги кишилар фикрига оид жумлаларнинг ифода этилиши нутқ таъсирчанлигининг ортишига олиб келади. Инглиз аёллари нутқида бу каби лисоний ҳодиса учрамайди. Балки улар нутқда *shame on you* (уят сенга) каби жумлаларни қўллайдилар.

Бобнинг иккинчи параграфиди эса диалогик риторикада инглиз ва ўзбек эркаклари нутқида қўлланувчи лисоний воситалар таҳлилга тортилади.

Ҳар икки халқ эркаклари ваъда бериш орқали нутқий таъсирчанликка эришадилар (*I promise... / ваъда бераман...*). Ҳар икки тил риторик аспектида *ваъда бериш* лисоний ҳодисаси ҳам нутқ таъсирчанлигининг ошишига хизмат қилади. Масалан, *I will take the moon for you – ойни олиб бераман, I will never be Romeo – отимни бошқа қўяман* каби бир маънога эга жумлаларнинг нутқдаги ифодаси шулар жумласидан. Инглиз тилида *words of gentleman*, ўзбек тилида эса *йигитлик сўзим* каби бирикмаларнинг ваъда беришда ишлатилиши диалогик риториканинг миллийлик хусусиятини намоён қилади.

Инглиз ҳамда ўзбек эркаклари айёрлик қилиш орқали эмас, балки фикрни ростгўйлик билан ифодалаш, ўз нутқларида аниқ фактлар келтириш, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ фикрларни ифода этиш орқали суҳбатдошни маълум бир фаолиятга ундайдилар (*I will loan the money. You needn't worry about taking it. You can get yourself a nice room by yourself*⁵³ / *Гапимга ишонмаяпсан-а? Хўп, ярим сўлкавой бераман. Бўлдими?*⁵⁴ каби).

Инглиз эркаклари аёллар билан бўлган муносабатларда романтик ҳиссиётларга берилиб кетишлари, кўшиқлар айтиш, шеърлар ўқиш орқали аёлларга ўз таъсир кучларини ўтказишлари кузатилади («*Oh my love is like a red red rose, That is newly sprung in June: O my love is like the melody, That is sweetly played in tune!*»⁵⁵ каби). Улар ўз севгиларининг чин эканлигига аёлларни ишонтиришда луғат бойликларидан кенг фойдаланадилар (*you are my love, darling, I love you* каби). Ўзбек тилида *жоним, бегим, севгилим, ёрим* каби ширинсуханликка оид тил бирикклари жуда кўп бўлса-да, ўзбек эркаклари ёрларини ўз севгиларига ишонтиришда бироз тортинадилар. Улар оғзаки нутқда ушбу мавзуда очиқ-ойдин сўзламайдилар. Диалогик риторикада бу каби лисоний фарқнинг мавжудлиги ҳар икки халқнинг нутқ одоби ва маданияти, тарбиявий масалаларга турлича ёндашиши, ўзига хос бўлган миллий характернинг уларнинг тилларига бўлган таъсири билан изоҳланади.

Инглиз эркаклари аёллар билан муносабатда ялиниш маъносига эга жумлалардан кенг фойдаланадилар. Ўзбек эркаклари бу каби муносабатларда

⁵² Ҳамро Абдунаби. Вақт дарёси. – Т.: O'zbekiston, 2009. – Б. 95.

⁵³ Dreiser Th. Sister Carrie. – Moscow: Higher School Publishing House, 1968. – P. 96.

⁵⁴ Мирзакалон Исмоилий. Фарғона тонг отгунча. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 63.

⁵⁵ Walker D. Geordie. – UK: Nelson, 1992. – P. 63.

бироз мағрурликни хуш кўрадилар, ялинишга оид тил бирликларини қўлламасликка ҳаракат қиладилар.

Инглиз эркаклари нутқида эса инглиз жанобларига хос иш юритиш лозимлиги борасидаги фикрлар тез-тез учрайди (*It is not the way of a gentleman; you ought never to offer your dirty money to a Highland gentleman*⁵⁶). Ўзбек эркаклари ўзига бўлган ишонч, мардлик, бир сўзлилиқ каби хусусиятларни қайд этиб ўтиш орқали суҳбатдошни маълум бир фаолиятга ундайдилар, ўз сўзларига ишонтирадилар (*Эркак киши битта гапиради*⁵⁷, *сен эркаксан, эркакка ўхшаб гапир*⁵⁸, *йигитлик сўзим...* каби). Мазкур ҳолатларнинг диалогик риторикада юзага келиши ҳар икки миллат эркакларининг миллий характери турлича эканлиги билан изоҳланади.

Ўзбек эркаклари атрофдаги кишилар, қўни-қўшнилар, эл-юртнинг қизиқиши ва эҳтиёжларини ҳам ўйлаб иш тутиш лозимлиги борасидаги фикрларни илгари сурадилар (*Одамлар, эшитганлар нима дейди?* каби). Бу каби лисоний ҳодиса инглиз эркаклари нутқида кузатилмади. Маълумки, Фарбда индивидуалликка асосланган назария, тушунча, методлар ҳукм сурса, Шарқда эса гуруҳ, жамоа бўлиб иш юритиш муҳим аҳамият касб этади. Шарқда омма, жамоанинг фикрлари, қизиқишини эътиборга олиб яшаш катта ўрин эгаллайди⁵⁹. Орияти устун ўзбегимнинг орияти шу қадар ривожланганки, у бошқалар фикри билан яшашга ўрганган, у «*Дўстдан то душмангача нима дейди?*», «*Одамлар нима дейди?*» каби фикрларга асосий урғуни бериб яшайди⁶⁰. Ўзбек миллатига хос бу хусусият диалогик риторикада ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳар икки тилда тингловчи шаънига ижобий тилаклар билдириш, диний мавзуларда сўзлаш, дуо, панд-насихат қилиш учрайди (*God bless you..., be healthy..., умрингдан барака топ..., Аллоҳим ўз паноҳида асрасин..., доимо иноқ бўлинглар, бир-бирингизни қўллаб-қувватланглар...* каби). Лекин бу лисоний ҳодиса диалогик риторикада, асосан, ўзбек эркаклари нутқида учрайди. Ж. Комфортнинг “Effective Socializing” деб номланган китобида ёзилишича, Буюк Британияда муомаланинг норасмий услубини хуш кўрадилар. Мазкур мамлакат кишилари диний мавзуда суҳбатлашишдан қочадилар. Британия дунёвий қарашларни қўллаб-қувватловчи кишилар мамлакати бўлганлиги ва диннинг аҳамияти кам бўлганлиги ушбу лисоний ҳодисанинг асосий сабаби бўлиши ҳам мумкин, деган фикрлар ҳам келтирилади⁶¹. Диний мавзуларга оид тил воситалари, асосан, инглиз диншунослари, руҳонийларининг нутқида учрайди. Ҳар икки халқнинг икки хил динга эътиқод қилиши ва унга бўлган муносабати диалогик риторикада ўз ифодасини топади.

⁵⁶ Stevenson R.L. Kidnapped. – England: Longman, 1993. – P. 51.

⁵⁷ Ямин Қурбон. Қари киз овга чикди. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 84.

⁵⁸ Тохир Малик. Шайтанат. – Т.: Шарқ, 1996. Ж. 1. – Б. 279.

⁵⁹ Мўминова О., Юлдашева Ш. Хорижий филология// К вопросам взаимосвязи культуры востока и запада аспекте философии. – Самарқанд, 2011. – №1 (38). – Б. 73.

⁶⁰ http://www.sayyod.uz/news/salom_wlim_biznesi

⁶¹ Comfort J. Effective Socializing. – Oxford: Oxford University Press, 1997. – P. 10-17.

«Диалогик риториканинг лингвомаданий хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобнинг биринчи параграфида диалогик риторикада фаол бўлган мавзуларга оид лингвистик воситалар таҳлилга тортилади.

Инсонларни маълум бир фаолиятга ундашда *диний соҳага* доир лисоний воситаларни нутқда ифодалаш ҳар икки тилда учрайди. Фарбда кишиларнинг яхши хулқли бўлиб шаклланишида, Худога, Исо Масихга ишонишларида энг кучли қуроллардан бири Инжил орқали таъсир қилиш бўлса⁶², Шарқда дин, шу жумладан, ислом дини кўпинча инсонларнинг ҳис-туйғуларига «психологик таъсир» ўтказишда кенг фойдаланиладиган омиллардан ҳисобланади. Диний мавзулар орқали суҳбатдошни ишонтиришда ҳар икки халқ *Худо / God* сўзларини нутқда қўллайдилар. Ўзбек тилида *Худо* сўзи *Аллоҳ, Яратган эгам, Тангри*, инглиз тилидаги *God* сўзи эса *Lord*⁶³ каби синонимик қаторларга эга. Инглиз тилида *Исо пайғамбар* номи, Инжилдаги маълумотлар, ўзбек тилида эса *дўзах, Қуръон, Ҳадис, жаннат, суннат* каби сўзларнинг нутқдаги ифодаси диалогик риториканинг миллий хусусиятларини намоён қилади.

Диалогик риторикада *қонун-қоидаларни тингловчига эслатиб ўтувчи* лисоний ҳодиса кузатилади. Мазкур тилларда суҳбатдошга *you have no right*⁶⁴, *I will call the police*⁶⁵ / *ҳаққингиз йўқ*⁶⁶, *полиция чақираман*, деб уларни маълум бир фаолиятга ундаш ёки фаолиятдан қайтариш ҳолати учрайди. Лекин ўзбек тилида полиция чақаришга оид жумлалар камдан-кам ҳолларда учраши *андиша, муросаю мадора* каби тушунчалар билан боғлиқдир. Келишмовчилик ҳолати келишув асосида, *муросаю мадора* қилиш орқали яқун топади (*Майли, онаси, ...муросаю мадора, ўзимнинг эсли кампирим*⁶⁷).

Диалогик риторикада *васият қилиш* ҳар икки тилда учрайди. Васият амалга оширилиши лозим деган қарашларга ҳар икки халқ тўлиқ амал қилади. Васият қилишда инглиз тилида жумлалар қисқа тузилади⁶⁸, фикр лўнда ва аниқ ифодаланади. Ўзбек тилида эса жумлаларнинг узун тузилиши⁶⁹, васият қилиш чоғида суҳбатдоши шаънига дуолар ўқиш, ижобий тилаклар билдириш ҳамда панд-насихат қилиш кузатилади.

Панд-насихат қилиш кишиларга таъсир қилувчи омил сифатида ҳар икки тилда қўлланади. Инглиз тилида суҳбатдошга ўзини инглиз жаноблари ва хонимларига хос тутиш ҳақида доим эслатиб турилади (*Gentlemen do not insult their friends*⁷⁰ каби). Ўзбек тилида одоб-ахлоққа, оила, ота-она, фарзандлар олдидаги бурч ва вазифаларни бажаришга ундовчи фикрлар (*Бугун шаҳарга тушиб, онанг қабрини зиёрат қилиб чиқ, болам. Сира-сира кечиктиришга ҳаққинг йўқ, бурч бу. Фарзандсан, ота-онангни*

⁶² <http://www.creationtips.com/influence.html>библия

⁶³ Roget's Thesaurus of English Words and Phrases. – London: The Penguin Press, 2002. – P. 575.

⁶⁴ Brooke P. Jake's Orphan. – New York: Dorling Kindersley Publishing, 2000. – P.191-194.

⁶⁵ Busch F. Don't Tell Anyone. – London: W.W. Norton & Company, 2000. – P. 12.

⁶⁶ <http://uz.denemetr.com/docs/51/index-84308.html>

⁶⁷ Ҳамидова М. Алданганни алдама. – Т.: О`zbekiston, 2008. – Б. 42.

⁶⁸ Walker D. Geordie. – UK: Nelson, 1992. – P. 29.

⁶⁹ Ҳамро Абдунаби. Вақт дарёси. – Т.: О`zbekiston, 2009. – Б. 21-22.

⁷⁰ Stevenson R.L. Kidnapped. – England: Longman, 1993. – P. 79.

тирикликларида рози қил, вафот этганларидан кейин ҳам бепарво қолма⁷¹) кенг тарзда ифода этилади. Инглиз тилида жумлалар қисқарок, ўзбек тилида эса улар жуда узун тузилади. Инглиз тилига нисбатан ўзбек тилида панднасихат қилиш орқали тингловчиларни ишонтириш, ундаш кенг тарзда кузатилади.

Тадқиқ этилаётган тиллардаги риторик аспектда Худо номи билан қасам ичиш нутқ таъсирчанлигини янада оширади (*Lord knows, I swear by almighty God / тегсам, Худо урсин, Худо ҳаққи* каби). Христиан динида бўлган инглиззабонлар *I swear by Jupiter, by Jove!* (Юпитер ҳаққи онт ичаман), *I swear by almighty God* (қодир Оллоҳ ҳаққи онт ичаман), *I swear by all that is holy* (барча авлиёлар ҳаққи онт ичаман), *by the welkin* (осмон ҳаққи), *honest to God* (Худо ҳаққи), *honest to goodness* (Худо ҳаққи, чин сўзим) каби жумлаларда қасам ичадилар⁷². Ислом динига эътиқод қилувчи ўзбек халқи эса *Каломулло урсин*⁷³, *Худо урсин*⁷⁴, *Қуръон урсин*, каби жумлалар орқали тингловчини ишонтирадилар, ундайдилар. Ўзбек тилида бўрттириш стилистик воситаси орқали қасам ичиш (*ёлгон айтсам ёрилиб ўлай*⁷⁵), инглиз тилида эса *онанинг гўрени* ҳам ўртага қўйиб қасам ичиш (*I swear to that on my mother's grave...*⁷⁶) каби ҳолатларнинг учраб туриши ушбу тиллар риторик аспектига хос миллийлик хусусиятини кўрсатади.

Тадқиқ этилаётган тиллар риторик аспектида пул бирлигининг аниқ миқдори (инглиз тилида *pound*⁷⁷, *dollar, sterling*, ўзбек тилида эса *доллар* ёки *сўм*) ёки унинг ўрнига *manu, much / кўп* сифатларининг қиёсий даражасини қўллаш орқали нутқ таъсирчанлиги ошади. Бунда сўзловчи суҳбатдошни *иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши* борасида сўз юритади.

Таомлар номини қайд этиши орқали нутқий таъсир ўтказиш ҳар икки тилда учрайди. Масалан, инглиз тилида *балиқ, пиво, пудинг*, ўзбек тилида эса *палов, аччиқ қора чой* каби миллий таом ва ичимликлар номлари шулар жумласидан (*You better eat the fish anyway – from head to tail. I have heard this math test is really hard, and our brains need all the help they can get.*⁷⁸ / *Бўлмаса, бизниқига кетдик. Битта яхши қўлбола ош қилдираман, чой-пой ичамиз, қани-қани кетдик*⁷⁹).

Диалогик риторикада *қўллаб-қувватлаш* маъносига эга жумлалар орқали суҳбатдошни кўркмасликка, ботир бўлишга ундаш ҳар икки тилда кузатилади (*What are you afraid of; don't be afraid of. I am with you*⁸⁰ / *Кўркма! Бир бошга бир ўлим*⁸¹. *Мен борман-ку ёнингда*⁸² каби). Ўзбек тилида қўллаб-

⁷¹ Мирзакалон Исмоилий. Фарғона тонг отгунча. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 370.

⁷² ru/dictionary/english_russian/swear.html

⁷³ Сафаров Н. Наврўз. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б. 116.

⁷⁴ Ҳазратқулов М. Дийдор. – Т.: Sharq, 2010. – Б. 77-78.

⁷⁵ Сафаров Н. Наврўз. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б. 116.

⁷⁶ Macleod H. Mind Over Mussels. – Charlotte town: The Acorn Press, 2011. – P. 136.

⁷⁷ Dickens Ch. Oliver Twist. – United Kingdom: Nelson, 1992. – P. 36.

⁷⁸ Collis H. 101 American Superstitions. – USA, Passport Books, 1998. – P. 46.

⁷⁹ Исмоил Муҳаммад. Баҳорнинг энг сўнгги лоласи. – Т.: O`zbekiston, 2006. – Б. 103.

⁸⁰ Dreiser Th. Sister Carrie. – Moscow: Higher School Publishing House, 1968. – P. 211.

⁸¹ Хошимов Ў. Ҳадикли тушлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 72.

⁸² Умарбеков Ў. Қиёмат қарз. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 17.

қувватлашда мақоллардан ўринли фойдаланилади (*Билмаганин орланмай сўраган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим*⁸³ каби).

Атрофдаги кишилар нима дейди? каби маънога эга гапларнинг ифодаси, асосан, ўзбек тили риторик аспектига хосдир. Маълумки, ўзбек халқи маданиятида *ор-номус, уят, андиша, ибо, ҳаё* каби тушунчаларга нисбатан эътибор кучли ҳисобланади. Ушбу тилда: *Эшитган қулоққа уят-ку!*⁸⁴, *Кўни-қўшилар нима дейди? Кўрганлар нима дейди? Одамлар нима дейди, уят эмасми?* каби жумлалар кенг тарзда ифода этилади. Фарбда индивидуалликка асосланган назария, тушунча, методларнинг ҳукм суриши, Шарқда эса оммалаш, гуруҳлаш, жамоа бўлиб ишлаш, жамоанинг фикрлари, қизиқишини эътиборга олиб яшаш, ўз навбатида, диалогик риторикада бу каби ҳолатнинг юзага келишида асосий омил эканлиги билан изоҳланади.

Нутқ орқали *суҳбатдошда раҳм-шафқат ҳисларини уйғотиш* ходисаси диалогик риторикада кузатилиб, бунда сўзловчилар қийин вазиятда қолганликларини қайд этиб ўтадилар, ўзларини бечора ҳол инсон қилиб кўрсатадилар, уларнинг хатти-ҳаракатларида йиғлаш каби нолисоний воситалар учрайди. Лекин инглиз тилидан фарқли ўлароқ ўзбек тилида сўзловчилар суҳбатдошнинг раҳмини келтирар эканлар, тингловчи шаънига узундан-узун ижобий тилаклар билдирадилар, дуо қиладилар.

Диалогик риторикада вазиятдан тўғри фойдаланиш мақсадида ифодаланадиган *юмшоқ ёлгон* ижобий баҳоланади. *Эвфимизм* лисоний ходисаси ҳам диалогик риторикада кенг тарзда ифода этилади. Ушбу тилларда мазкур лисоний ходиса *суҳбатдошга бўлган ҳурмат* деган тушунча билан боғлиқ ҳолда ифода этилса, ўзбек тилида эса у “*андиша*” тушунчаси билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлади.

Диалогик риторикада суҳбатдошни *эркалаш* орқали нутқий таъсир кучаяди. Ушбу тилларда бир маънони англатувчи сўзларда эркалаш кузатилади (*honey – асалим, dear – азизим* каби). Лекин инглиз тилида *my gallant braw Highlandman*⁸⁵, *my lady, my gallant gentleman*, ўзбек тилида *акажон, опоқижон, амакижон* каби эркалашга оид сўз ва бирикмаларнинг ифода этилиши диалогик риториканинг миллийлик жиҳатларини намоён этади. Қолаверса, ўзбек тилида аксарият ҳолларда эркалаш аффиксларининг сўзларга қўшилиб келиши кузатилса, инглиз тилида эса бу лисоний ходиса I шахс бирликдаги *my* эгалик олмоши орқали ифода этилади (*my sweet, my sweetheart, my love / жон+им, дўмбоқ+қина+м, тойчоғ+им*) каби). Инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида феъл асосида тузилган лисоний воситалар ифода этилади (*ўргилай сендан*⁸⁶, *бўйгинангдан айланай* каби).

Диалогик риторикада *мақташ* маъносига эга тил бирликларининг ифода этилиши ҳар икки тилда кузатилади. Масалан, *you do lots and lots of things. You paint and you make beautiful clothes and you dance and you work at the*

⁸³ Сафаров Н. Наврўз. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б. 446.

⁸⁴ Аббос Саид. Беш кунлик дунё. – Т.: Шарқ, 1996. – Б.168.


⁸⁵ Auden W.H., Pearson N.H. Romantic Poets. – Great Britain: Penguin books, 1977. – P. 37.

⁸⁶ Каримова Л. Мухаббат изтироблари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. – Б. 30.

*studio and – and...*⁸⁷ / *Сурайёхон, ... сиз зиёли, тушунган аёлсиз...*⁸⁸ каби жумлалар шулар жумласидан. Сухбатдошнинг ютуқларини, ижобий хислатларини холисона баҳолаш, мақтовга саҳий бўлиш, ширин сўзлардан фойдаланиш мулоқот самарадорлиги гаровидир. Мақташ ҳар икки тил риторик аспектида бир хил мақсадлар учун хизмат қилади.

Қолаверса, *ҳурмат қилиш, васият қилиш, дуо қилиш, ваъда бериш, илтимос қилиш*га оид тил бирликлари тадқиқ этилаётган тиллардаги диалогик риторикада ўзига хос умумий ва миллий хусусиятга эгаллиги билан характерланади.

Тадқиқотимиз мавзуси билан боғлиқ бўлган тўпланган мисоллар таҳлили натижалари асосида диалогик риторикада лисоний воситаларнинг нутқда қўлланишига кўра фаоллик даражасини қуйидаги расмда келтириб ўтамиз (4.1-расм):



4.1-расм. Инглиз ва ўзбек тилларидаги турли мавзуларга оид тил бирликларининг диалогик риторикада қўлланишига кўра фаоллик даражаси

Юқорида келтирилган расмдан маълум бўладики, инглиз тилида *ҳурмат қилиш* (16%), *илтимос қилиш* (14%), *қонун асосида иш кўриш*га (14%) оид тил бирликларининг нутқдаги ифодасига кўра фаоллик даражаси энг юқори, *дуо қилиш* (1%), *эл-юртнинг фикрини эслатиш* (0%), *диний соҳага*

⁸⁷ Wilson J. The Illustrated Mum. – Great Britain: Cox & Wyman, 2000. – P. 10.

⁸⁸ Ҳамидова М. Алданганни алдама. – Т.: O'zbekiston, 2008. – Б. 202.

доир лисоний воситаларнинг нутқдаги ифодасига кўра фаоллик даражаси энг куйи (1%) ўринларни эгаллади.

Ўзбек тилида эса *эл-юртнинг фикрини эслатиш* (13%), *панд-насихат қилиш* (11%), *дуо қилиш* (10%) *диний соҳага* (11%) доир лисоний воситаларнинг нутқда қўлланиш даражаси энг юқори, *қасам ичиш* (2%), *қонун асосида иш кўриш* (2%) билан алоқадор лисоний воситаларнинг ифода этилиши эса энг куйи фоиз кўрсаткичларга эга.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи диалогик риторикада ижобий ва салбий маънога эга бўлган тил бирликларини тадқиқ этишга бағишланган. Ижобий маънога эга бўлган тил бирликлари дейилганда, одоб ва ахлоқ доирасида ифода этилувчи лисоний воситалар назарда тутилади, яъни юқоридаги бўлимларда айнан ушбу воситалар (масалан, эркалаш, макташ, ҳурмат қилиш, илтимос қилишга оид) таҳлилга тортилган. Салбий маънога эга тил бирликлари ширинсуханлик ва ширинсўзликка қарама-қарши бўлган лисоний воситалар ҳисобланади. Диалогик риторикада мулоқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда салбий маънога эга тил бирликлари ҳам нутқда қўлланади. Риториканинг ушбу тури *black rhetorics* – салбий ёки *қора риторика* номи билан аталади⁸⁹. Риториканинг мазкур турида сўзловчилар нутқ мақсадига эришиш учун ҳар қандай усул, стратегия, имкониятни ишга соладилар. Бунда тил меъёрларининг бузилиши ҳоллари учрайди. Масалан, салбий маънога эга лисоний воситалар сўзловчининг нутқда *сўкиш, ҳақорат сўзларни ифодалаш, суҳбатдошни қарғаш, кўрқитиш, унга дўқ қилиш* каби ҳолатларда учрайди (масалан, *Where are you? Come out of there! You little thieving rascal*⁹⁰! / *Goddamn your eyes, I will show you. Come on, let's go to the bridge*⁹¹. / *For pity's sake, will you shut that mouth of yours and stop your prattling*⁹². / *Борсанг, оқ сутимни кўкка совураман. Ўлсам гўримда тик тураман*⁹³! / *Ғирт сурбет экансан-ку! Нима бошқа ҳеч нарса каллангга келмадими? Йўқол кўзимдан, аблаҳ. Йўқол дедим*⁹⁴ каби). Шу йўл билан сўзловчи суҳбатдошни маълум бир фаолиятга ундайди. Ҳар икки тилда сўкиш орқали суҳбатдошга таъсир қилиш, асосан, эркалар нутқда кузатилади. Лекин инглиз аёллари нутқда ҳам сўкишнинг ифода этилиши аксарият ҳолларда учради. Ўзбек аёллари нутқда бундай лисоний ҳодиса кўп вазиятларда қарғаш орқали ифодаланади.

⁸⁹ Бредемайер К. Черная риторика: Власть и магия слова. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. — 224 с. ; www.dr-bredemeier.de/black-rhetoric/; www.jstor.org/stable/2783854

⁹⁰ Brooke P. *Jake's Orphan*. – New York: Dorling Kindersley Publishing, 2000. – P. 231-243.

⁹¹ Gavin J. *Coram Boy*. – Great Britain: Egmont, 2000. – P. 72.

⁹² Gavin J. *Coram Boy*. – Great Britain: Egmont, 2000. – P. 319.

⁹³ Хошимов Ў. Ҳадикли тушлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 31.

⁹⁴ <http://muloqot.uz/blogs/42388/6395/>

ХУЛОСА

Тадқиқотимиз жараёнида ўтказилган таҳлиллар бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Нотиклик санъати Ғарбда софистлар нутқидан, Шарқда эса воизлар нутқидан бошланган. Риторика ўзига хос тарихий босқичларга эга бўлиб, у вақтлар давомида шаклланиб бориши билан характерланади. Риторика ошкора нутқ сифатида талқин этилса-да, ҳар қандай нутқ, жумладан, диалогик нутқ ҳам риториканинг ўрганиш объекти бўлиб хизмат қилади.

2. Нутқ таъсирчанлигини ортишига хизмат қилувчи лисоний воситалар тадқиқ этилаётган тилларнинг фонетик, морфологик, лексик, синтактик сатҳларида ўзига хос ўхшаш ва фарқ қилувчи хусусиятларга эгаллиги билан характерланади. Нутқ таъсирчанлигини ортиши ўзбек тилида аксарият ҳолларда аффиксация ҳодисасига таянади. Инглиз тилида эса модал феълларнинг нутқда фаол қўлланиши кузатилади. Инглиз тилида ҳурмат, ўзбек тилида эса қариндош-уруғчилик маъносига эга сўзлар ушбу мақсадларга хизмат қилади.

3. Диалогик риторикада парафонетик ва паракинетик воситалар нутқий таъсирчанликнинг ортишига хизмат қилади. Уларнинг ифодаси тадқиқ этилаётган тилларда ўзига хос миллий ва умумий жиҳатларга эгаллиги билан характерланади. Инглиз ва ўзбек тилларида хатти-ҳаракатлар ҳурмат тушунчаси билан боғлиқ равишда ифода этилади. Лекин ўзбек тилида улар уят, андиша, ибo ва ҳаё каби тушунчалар билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Дуо қилишга оид ҳаракатлар ҳам мазкур тилларда фарқланади.

4. Диалогик риторикада инглиз ҳамда ўзбек эркак ва аёллари нутқи ўртасида фарқланиш ҳодисаси мавжуд. Инглиз эркак ва аёллари нутқий этикет формулаларига доир, ўзбек эркак ва аёллари эса қариндош-уруғчилик, дин, одоб, ахлоқ, уят ва андиша тушунчалари билан алоқадор бўлган лисоний воситалардан аксарият ҳолларда фойдаланадилар.

5. Диалогик риторикада дуо қилиш, васият қилиш, панд-насихат қилиш, қасам ичиш, ваъда бериш, илтимос қилиш, иқтисодий жиҳатдан қизиқтириш, таомлар номини эслатиш, қўллаб-қувватлаш, қонун-қоидаларни қайд этиш, эл-юртнинг фикрини инобатга олиш, тингловчининг раҳмини келтириш, ёлғон сўзлаш, эркалаш, ҳурмат қилиш, макташ ҳамда динга оид мавзуларга доир лингвистик воситаларнинг нутқда қўлланишига кўра фаоллик даражаси тадқиқ этилаётган тилларда бир-биридан фарқ қилиши билан характерланади.

Инглиз тилида *ҳурмат қилиш, илтимос қилиш, қонун асосида иш кўриш*га доир лисоний воситалар нутқ таъсирчанлигининг ошишида энг фаол қўлланиши билан, *дуо қилиш, эл-юртнинг фикри масаласини эслатиш, диний мавзуларга* оид лисоний воситалар эса диалогик риторикада энг кам қўлланиши билан характерланади. Ўзбек тилида эса *эл-юртнинг фикри масаласини эслатиш, панд-насихат қилиш, дуо қилиш, диний мавзуларга оид* лисоний воситалар нутқда ифода этилишига кўра энг юқори даражаларни,

қасам ичиши, қонун асосида иш кўриши билан алоқадор лисоний воситалар нутқда ифода этилишига кўра энг куйи даражаларни эгаллади.

6. Риторикада салбий маънога эга лисоний воситалар ҳар икки тилда сўкиш, ҳақорат қилиш, қўрқитиш, дўқ қилиш, ўзбек тилида қарғаш маъноларига эга жумлалар орқали нутқда намоён бўлади.

7. Риторик аспектда лисоний воситаларнинг мазкур тиллардаги айрим жиҳатлари бир-бирига ўхшамаслигининг сабаби – ушбу тил эгаларининг яшаш шароити, географик жойлашиши, тарихи, диний қарашлари, маданияти, урф-одатлари, миллий қадриятлари, характери, таомлари, фарзандларига тарбия беришда қаратиладиган асосий жиҳатлари, улар яшайдиган худуднинг ички қонун-қоидалари ва шу каби бошқа омилларнинг турлича эканлиги, энг асосийси, уларнинг *маданият* тушунчасини қай тарзда талқин қилишлари билан изоҳланади. Бундай ҳодиса тил ва маданият ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини яна бир бор тасдиқлайди.

8. Турли тиллар тизимида диалогик риторика ўзига хос аёл ҳамда эркаклар нутқи хусусиятлари, лингвокультурологик жиҳатларига эгалиги, унда турли лисоний ва нолисоний воситаларнинг ифодаланиши билан характерланади. Шу нуктаи назардан риториканинг лингвомаданий хусусиятлари ҳамда унда лисоний ва нолисоний воситаларнинг аҳамияти бир-бирига қардош бўлган ва қардош бўлмаган тилларда таржимашунослик, этнолингвистика ва қиёсий тилшунослик йўналишларида қиёсий тадқиқ этилиши мумкин.

Риторика тарихий категориядир, давр ўзгарса, у ҳам ўзгариб, шаклланиб боради ва унинг тарихий тараққий этиш жараёни турли маданиятлар тизимида ўзига хосдир. Шу нуктаи назардан риторик аспектнинг динамикаси турли тиллар доирасида қиёсий тадқиқ этилиши мумкин.

Риторика ижтимоий ҳодиса бўлиб, у турли ижтимоий гуруҳлар ва шароитларда ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан характерланади ва бу уни социоллингвистика нуктаи назаридан турли тиллар тизимида қиёсий тадқиқ этиш мумкинлигини тақозо этади.

Барча нутқ турлари риториканинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Бу эса, сиёсий, харбий, диний ва шу каби бошқа хусусий риторика турларини бир-бирига қардош бўлган ва бўлмаган тиллар доирасида тадқиқ этилиши мумкинлигини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ, УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ,
УЗБЕКСКОМ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

САМИГОВА ХУШНУДА БОТИРОВА

**СОПОСТАВИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ РИТОРИЧЕСКОГО
АСПЕКТА В АНГЛИЙСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ КУЛЬТУРЕ РЕЧИ**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ
НАУК (DSc)**

Ташкент – 2017 год

Тема диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.DSc/Fil.45.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tashgiv.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net

Научный консультант:	Бакиева Гуландом Хисамовна доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Дадабоев Хамидулла Арипович доктор филологических наук, профессор Хошимов Ганижон Мирзаахмедович доктор филологических наук, профессор Луиз Силвестр доктор филологических наук, профессор (университет Вестминистер, Лондон)
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.21.01 при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Узбекском национальном университете (Адрес: 100047, Ташкент, улица Шахрисабз, д. 25. Тел: (99871) 233-45-21; факс (99871) 233-52-24; e-mail: www.tashgiv.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрирована за №__). Адрес: 100047, Ташкент, улица Шахрисабз, д. 25. Тел: (99871) 233-45-21.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(Протокол реестра № __ от _____ 2017 года).

А.М. Маннонов

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.филол.н., профессор

К.Ш. Омонов

Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.филол.н., доцент

А.С.Лиходзиевский

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом языкознании, несмотря на прошедшие периоды, тема культуры речи считается темой, не потерявшей своей актуальности. Сейчас в общемировом масштабе увеличение интереса к изучению различных языков, установление международных отношений способствуют возникновению потребности в усилении внимания к культуре речи и развитию более, чем в действительности, культуры речи людей. На сегодняшний день совершенствующиеся язык и культура, научные исследования в сферах, связанных с обществом и языком, требуют многогранных анализов различных аспектов культуры речи в рамках родственных и неродственных языков.

С первых годов независимости в нашей стране ещё больше усилилось внимание воспитанию совершенного поколения, способного мыслить свободно и глубоко на различных языках, выражать свои мысли ясно и определенно. На сегодняшний день достигаются эффективные меры решения подготовки нового поколения кадров с высокими знаниями, культурой и духовностью. Формирование высокой культуры речи, красноречия, умения выступать перед общественностью и тому подобные качества у молодежи, а также связанные с этим вопросы показывают необходимость исследования в сфере языкознания, а также сравнительного направления в рамках различных языков в аспекте культуры речи. Осуществление государственной политики, связанной с молодежью в Республике, в частности, внимание, уделяемое «воспитанию развитой интеллектуально и духовно, самостоятельно мыслящей, с твердыми жизненными взглядами молодежи»¹, в сфере языкознания требует проведения исследования именно по вопросу культуры речи.

Стремление людей к единству, изучению культуры и языка других народов, постоянное стремление к выразительной и впечатлительной речи приводит к возникновению потребности в исследовании в рамках неродственных друг другу языках риторического аспекта культуры речи.

Несмотря на то, что по риторическому аспекту до сегодняшнего дня выполнен ряд научных работ в мировом и узбекском языкознании, однако, эта тема в диалогической речи английского и узбекского языков не изучена в виде единой системы. Это требует сравнительного исследования в рамках этих, не родственных друг другу языков, лингвистических и экстралингвистических факторов в диалогической риторике, гендерных и лингвокультурологических свойств риторического аспекта культуры речи в английском и узбекском языкознании.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Постановлением Первого Президента Республики Узбекистан от 10 декабря 2012 года № ПП-1875 «О мерах по

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. / Халқ сўзи, 2017 йил. 8 февраль. – № 28 (6722).

совершенствованию системы обучения иностранным языкам», Указами от 12 июня 2015 года № УП-4732 «О мерах по совершенствованию системы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших учебных заведений» и от 13 мая 2016 года № УП 4794 «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навоий», Указами от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 124 от 8 мая 2013 года «Об утверждении государственного образовательного стандарта по иностранным языкам системы непрерывного образования», а также другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике: I. «Информационное общество и формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии демократического государства и повышение путей их претворения».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертаций². Научные исследования, направленные на изучение риторического аспекта, проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе: Massachusetts University, Boston College, University of Georgia, Michigan University, San Diego State University (США), Universitat Ramon Llull (Испания), The Oxford Research Centre in the Humanities / University of Oxford (Великобритания), Toronto University, Centre for Research in Reasoning, Argumentation and Rhetoric / University of Windsor (Канада), The International Society for the Study of Argumentation (Нидерланды), International Research Group on Rhetoric / University of Palermo (Аргентина), International Society for the History of Rhetoric (Великобритания, США, Нидерланды), а также Ассоциация риторики (Россия), Узбекский государственный университет мировых языков (Узбекистан).

В результате исследований, проведенных в мире по вопросам риторики, получены следующие научные результаты: доказаны особенности лингвистических и стилистических средств в повышении эффективности общения и развитии письменной речи в диалогической риторике (Boston College), обосновано значение лингвистики в повышении речевого влияния парадокса и обещания в риторике (Massachusetts University), определены самые активные социальные факторы, непосредственно влияющие на формирование современной риторики в политических процессах (Новгородский государственный институт), разработаны теоретические

² **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертаций:**

<http://rhetoric.sdsu.edu/>; <http://ricercafilosofica.it/home/eikos/>; <http://ishr-web.org/aws/ISHR/pt/sp/journal>;
<http://www.dissercat.com/content/sovremennaya-ritorika-v-sotsialno-politicheskom-vzaimodeistvii>; www.rhetor.ru/
и другие.

основы развития навыков при уместном использовании фактических сведений во время споров и переговоров, возникающих во всех типах речи (University of Amsterdam), обоснованы фактические сведения по истории развития ораторского искусства различных стран (University of London), разработаны учебные и онлайн-трейнинг программы по развитию речи преподавателей (Московский государственный университет, Институт русского языка, Московский педагогический государственный университет, Университет риторики и ораторского мастерства), обоснованы гендерные и лингвокультурологические особенности диалогической риторики (Узбекский государственный университет мировых языков).

В мировом языкознании по изучению риторического аспекта культуры речи проводится ряд научных исследований по следующим приоритетным направлениям: определение лингвистической особенности риторики на разных уровнях языков; создание толковых и двуязычных словарей по риторической терминологии; обосновать языковые средства, показывающие различные стороны лингвокультурных качеств политической, судебной, военной речи в аспекте сравнения; определение лингвистических и экстралингвистических факторов в риторическом аспекте речи, проявляющихся во время переговоров, интервью, бесед; совершенствование мер по массовому усилению культуры речи и общения; развитие новых инновационных методов повышения устной и письменноречевой деятельности людей; определение особенностей риторики, присущих существующим видам речи.

Степень изученности проблемы. В языкознании по теме риторики были проведены исследования на различных языках, достойны внимания работы ученых, которые внесли большой вклад в эту область. Например, А. Джудис обратил внимание на исследование свойств диалектов диалогической риторики на английском языке. С.П. Фолей на примере английского языка изучила свойства обещания в риторике. М.М. Хинкс исследовал риторический аспект в письменной речи английского языка.

Л.М. Лонгом, А.И. Петоном и другими учеными также проведены исследования по проблемам риторического аспекта английского языка³.

В русском языкознании такие исследователи, как Н.А. Кашей, Г.М. Ярмаркина, З.И. Курцева⁴ рассмотрели риторический аспект с точки

³ Judith A. The Genre of Logic and Artifice: Dialectic, Rhetoric, and English Dialogues. – Dissertation for Achieving PhD. – Toronto, Toronto university, 1998. – 280 p.; Patricia C. Foley. Paradox and Promise in the Dialogue on Race: a Case Study Analysis of the Dialogues of the Springfield World Class City Commission. – Dissertation for Achieving PhD. – Massachusetts, Massachusetts University, 1999. – 200 p.; M.M. Hincks. Successful Dialogues: Systematic, Written, and Prominent Self-analysis in College Composition. – Dissertation for Achieving PhD. – Boston, Boston College, 2005. – 170 p.; Long L.M. Associative Rhetoric: Beyond Rhetorical Sensitivity and Individual Rhetoric. – Dissertation for Achieving PhD. – Georgia, University of Georgia, 1997. – 287 p.; Paton W.A.I. Current-Traditional Rhetoric Reexamined. – Dissertation for Achieving PhD. – Michigan, Michigan University, 1990. – 267 p.

